ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНДЖАЕВА ЛОЛА АТАНАЗАРОВНА

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЭКИШ МУДДАТИ, ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УЎТ:633.11+631.816.1/675/559

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Ганджаева Лола Атаназаровна
Кузги буғдой навларининг экиш муддати, ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларининг ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш 3

Ганджаева Лола Атаназаровна
Оценка влияния сроков посева, норм удобрений и режима орошения на урожайность сортов озимой пшеницы 21

Gandjaeva Lola Atanazarovna
Assessment of the effect of sowing dates, fertilizer rates and irrigation regimes on yield of winter wheat varieties ……... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …..... 43

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАНДЖАЕВА ЛОЛА АТАНАЗАРОВНА

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЭКИШ МУДДАТИ, ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Qx137 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб–саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот–таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сатипов Гаипназар Матвапаевич** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Халима Назаровна Атабаева** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Содиқжон Обидович Абдурахмонов қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Дон ва дон-дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___»_____2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e–mail: piim@agro.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда халқаро дон ишлаб чиқариш статистикаси рейтингига кўра, 30 та мамлакат буғдой дони етиштириш бўйича етакчи қилиб белгиланган. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, 2016 йилда дунё бўйича 749,5 млн. тонна буғдой дони етиштирилган. Буғдой дони етиштириш ҳажми 2016 йил ҳисобига кўра, йилига Европа Иттифоқида 142,7 млн. тонна, Хитойда 131,7 млн. тонна, Ҳиндистонда 93,5 млн. тонна, Россияда 73,3 млн. тонна, АҚШда 62,9 млн. тонна, Қозоғистонда 15,0 млн. тонна ва Ўзбекистонда 6,9 млн. тоннани ташкил этади[1].

Дунёнинг буғдой етиштирувчи мамлакатларида кузги буғдойнинг мақбул экиш ва озиқлантириш муддат ва меъёрлари ҳамда суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқлимнинг глобал ўзгаришида буғдойнинг стресс омилларга чидамли янги нав ва тизмаларини яратиш ҳамда ўзига хос етиштириш агротадбирларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Кузги буғдой дон ҳосилини ва унинг сифатини, яъни шишасимонлиги, макаронбоплигини оширишга ресурстежовчи, юқори самарали технологияларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Республикамизда кейинги йилларда турли тупроқ-иқлим шароитларга мос ҳамда ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори кузги буғдой навларини етиштириш агротехникасини қўллаш натижасида юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Хоразм вилоятининг шўрланишга мойил тупроқлари шароитида кузги буғдойни янгидан яратилган навларини етиштириш агротехнологияларини янада такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»[2] ги фармонида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишни янада кенгайтириш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, суғориладиган ерларда юқори самарали, ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган кузги буғдой навларининг етиштириш агротехникаларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан

[1] https://en.wikipedia.org/wiki/International_wheat_production_statistics

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги буғдой навларининг агротехнологияларини такомиллаштириш борасида республикамизда Р.И.Сиддиқов, А.Аманов, Н.Халилов, П.Х.Бобомирзаев, Х.Атабаева, Н.Турдиева, Б.Азизов, З.Тажиев, И.Нажмиддинов, Б.Жўрақулов, И.Шомуродов, Г.Ортиқова, К.Жўраев, И.Хошимов, А.Деҳқонов, А.Мамбетназаров, И.Абдуллаев, С.Абдурахмонов ва бошқалар, хорижда эса Sh.Asgar, M.S.Baloch, R.Costa, M.Fazal, A.Hossain каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларининг Қурғоқчил минтақаларида қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари Халқаро Маркази (ИКАРДА) ва Хоразм Агромаслаҳат маркази KRASS ташкилоти ҳамда Урганч давлат университети ҳамкорлигида илмий–тадқиқот ишлари режасининг “Кузги буғдой навларининг тупроқ шўрланишига ва совуққа чидамлилигини ўрганиш” (2010-2016 йй.) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Хоразм Маъмун академияси илмий–тадқиқот ишлари режаларининг ФА–А9-Т100 “Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий кузги буғдой навларини синаш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Гром”, “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навларини мақбул экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда дон ҳосилдорлиги ва сифатини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида турли экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини кузги буғдой навлари уруғларининг унувчанлиги, қишлаш даражаси, ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой навларининг ҳосил элементлари кўрсаткичига экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой навларининг ҳосилдорлиги, доннинг сифат кўрсаткичлари ҳамда унинг уруғлик сифатига экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой навларининг анғиз ва илдиз қолдиқлари ва улар таркибидаги умумий NPK миқдорларига экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини таъсирини аниқлаш;

ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдой навларини экиш муддати, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтлоқи аллювиал тупроқлар, кузги буғдойнинг “Гром”, “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кузги буғдой навларини экиш муддатлари, ўғитлар меъёри, суғориш тартиблари, ўсимликларни ўсиши, ривожланиши, ҳосил структураси, дон ва сомон ҳосилдорлиги, протеин, клейковина, оқсил ва ҳазм бўлувчи протеин, иқтисодий самарадорликни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дала тажрибаларнинг барча қайтариқлар ва вариантларидаги биометрик кўрсаткичларини аниқлаш учун фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика полевого опыта», тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий таҳлиллари «Методы агрохимических исследований почв и растений Средний Азии» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Олинган маълумотларнинг аниқлилиги ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг кўп омилли “дисперсион таҳлил” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиялари такомиллаштирилган;

ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдой навларининг уруғ сифат кўрсаткичларига экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг таъсири аниқланган;

кузги буғдой навларининг ҳосилдорлиги, дон сифати, анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги умумий NPK миқдорларига экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг таъсири аниқланган;

кузги буғдой навларининг мақбул экиш муддати ва ўғитлар меъёри ҳамда суғориш тартиблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалар қуйидагилардан иборат: Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Гром” ва “Звезда” навлари 1-10 октябрда экилиб, суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60%, ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Аср” ва “Андижон-2” навлари 1-10 октябрда экилиб, ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилиши кераклиги аниқланган ва натижада “Кума” навидан 69,5 ц/га, “Гром” навидан 68,5 ц/га, “Аср” навидан 67,4 ц/га, “Андижон-2” навидан 63,8 ц/га ва “Звезда” навидан 63,5 ц/га дан дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдой навлари дон ва сомоннинг ҳосилдорлиги жиҳатидан қуйидаги ўринларни (“Кума”, “Гром”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда”) эгаллаши аниқланди. Нисбатан юқори иқтисодий самарадорлик ва

рентабеллик даражалари “Кума”, “Аср” ва “Гром” ни 1-10 октябрда экилганда олинган ва мутаносиб равишда 357800; 335600; 345000 сўм/га. ни ва 34,4; 32,3; 31,6 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг республика ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар бўйича ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва кузги буғдой навларини агротехнологиялари бўйича тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий конференцияларида қилинган маърузалар натижаларнинг ишончлилигини исботлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Кума”, “Гром”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навларининг суғориш тартиби, ўғитлар меъёри, мақбул экиш муддати ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлиги илмий томондан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хоразм вилояти ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг “Кума”, “Гром”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навларини мақбул ўғит, суғориш ва экиш муддатларининг илмий томондан ишлаб чиқилиши ва ушбу такомиллаштирилган агротехнология кенг жорий этилиши натижасида фермер хўжалиги майдонларидан юқори ва сифатли дон ҳосил етиштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой навларининг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

кузги буғдой навларидан юқори дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш борасида «Кузги буғдой навларининг экиш муддати, ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларини ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш» бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 02/021-228-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой навларидан юқори дон ҳосили етиштириш агротехнологиялари Гурлан туманидаги “Жаҳонгир Холназар” фермер хўжалигида 45 гектарда, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станцияси дала майдонида 35 гектарда, Шовот туманидаги “Маткаримов Рустам” фермер хўжалигида 18 гектарда, “Янгибоев Озод боғи” фермер хўжалигида 10 гектарда, “Абдулла Тожибой Қаландар” фермер хўжалигида

15 гектарда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 02/021-228-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдой навлари 1-10 октябрда экилиб, ЧДНСга нисбатан 65-70-60 фоиз тартибда суғорилиб, “Гром” ва “Звезда” навларини маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрида, “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” навларини эса $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрида озиқлантириб, одатий шароитда экилган ғалла майдонларига нисбатан 15-20 центнер қўшимча сифатли дон ҳосили етиштиришга эришилган;

кузги буғдой навларидан юқори дон ҳосили етиштиришнинг мақбул агротехнологиялари ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида Янгибозор туманидаги “ОС” фермер хўжалигида 40 гектар, Урганч туманидаги “Урганч Пахтакор Агро” фермер хўжалигида 40 гектар майдонида, вилоят бўйича жами 203 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 августдаги 02/021-228-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили олишга эришилган ҳамда рентабеллик даражаси 22,7-34,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот бўйича дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Урганч давлат университети махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланган ҳамда ҳисоботлар ҳар йили университетнинг илмий кенгашида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги 5 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдойни экиш муддатлари, ўғитлаш ва суғориш тартиби бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи

бобида кузги буғдой навларининг ҳосилдорлигига экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибининг таъсири тўғрисидаги мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳамда хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, кузги буғдой ҳосилига экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартиби ҳамда тупроқ шароитлари ва иқлим ўзгаришларининг таъсири каби кўрсаткичлар бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Мавзу бўйича олиб борилган изланишлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой навларининг экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартиби бўйича етарлича ишлар олиб борилмаганлиги асосланган ва ушбу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган. Умумий ер майдони 605,2 минг гектар, шундан 260,9 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Экин майдони 211,8 минг гектар бўлиб, вилоятда 2013-2015 йилларда 33200 гектар майдонда кузги буғдой навлари экилган.

Ўртача ҳарорат ёзда + 27-28 ^{0}С атрофида бўлиб, максимум + 40-41 ^{0}С гача кўтарилади. Ёз кунлари 125–135 кун бўлиб, самарали ҳарорат + 2100–2260 ^{0}С га тенг бўлади. Куз асосан сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошланиб, қисқа -60-70 кун давом этади. Бу даврларда йиллик ёғин миқдорининг 20-25 фоизи атрофидаги қисми ёғади. Тез-тез такрорланадиган шамолларнинг айрим кунлардаги тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Кечалари эса ҳаво ҳарорати + 5 ^{0}С дан, кундузлари + 20 ^{0}С гача кўтарилади.

Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг механик таркибининг асосий 50 % ини йирик чанг заррачалари ташкил қилади.

Тадқиқотлар 2013-2016 йилларда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги “Дилдора-Божимон” фермер хўжалигининг №119 контур рақамли ер майдонида ўтказилган. Далаларнинг умумий майдонлари эса 41040,0 м^2 ни = 4,104 гектарга тенг бўлган. Бунда кузги буғдойнинг давлат реестрига киритилган “Гром”, “Звезда”, “Аср”, “Кума”, “Андижон-2” навлари экилган (1-жадвал). Изланишда кузги буғдой навларида турли экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибининг самарадорлиги тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар олиб боришда чиринди миқдори И.В.Тюрин усулида; умумий NPK битта намунада – И.М.Мальцева ва П.П.Гриценко бўйича; нитрат шаклидаги азот – Грандвальд-Ляж усулида; ҳаракатчан фосфор – Б.П.Мачигин бўйича; алмашинувчи калий П.В.Пратасов усулида алангали фотоколорометрда таҳлил қилинган.

Фенологик кузатув ва биометрик ўлчамлар ва тупроқ ҳамда ўсимлик намуналарини олиш “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” УзПИТИнинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

1-жадвал

Тажриба тизими (2013-2016 йй).

Вариант тартиби	Экиш муддат-лари	Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан % ҳисобида	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			Шудгор олдидан		Тўла тупла-нишда	Найча-лашда
			N	P	K	P	K	N	N
1	1-10.10	Назорат	-	-	-	-	-	-	-
2		60-65-60	150	100	75	100	75	75	75
3			200	140	100	140	100	100	100
4		65-70-60	150	100	75	100	75	75	75
5			200	140	100	140	100	100	100
6	10-20.10	Назорат	-	-	-	-	-	-	-
7		60-65-60	150	100	75	100	75	75	75
8			200	140	100	140	100	100	100
9		65-70-60	150	100	75	100	75	75	75
10			200	140	100	140	100	100	100
11	20-30.10	Назорат	-	-	-	-	-	-	-
12		60-65-60	150	100	75	100	75	75	75
13			200	140	100	140	100	100	100
14		65-70-60	150	100	75	100	75	75	75
15			200	140	100	140	100	100	100

Тажрибанинг қайтариқлар ва вариантлар бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов бўйича статистик қайта ишланиб, дисперсион таҳлил қилинган ва тажриба хатоси ($ЭКФ_{05}$) ва тажрибанинг тўғрилиги (Р %) ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС), суғоришлар олди ҳақиқий тупроқ намликлари, суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари»** деб номланган учинчи бобида буғдой экилиши мўлжалланган майдонлар тупроғининг ҳақиқий намлиги, унинг мавсумий ўзгаришини аниқлаш ва экинларни намликка бўлган талабидан келиб чиқиб суғориш меъёрларини аниқлаш каби маълумотлар ва тажрибалар натижасида аниқланган мақбул суғориш тартиби ҳақида маълумотлар келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тупроқнинг суғориш олди ҳақиқий намлиги, %

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан % ҳисобида	Йиллар	1-сув	2-сув	3-сув	4-сув
65-70-60	2014	64,5	69,1	68,9	60,8
	2015	63,8	70,1	70,2	60,5
	2016	64,9	70,3	71,3	60,7
60-65-60	2014	59,1	64,5	63,8	-
	2015	61,2	65,0	64,5	-
	2016	60,3	63,8	65,1	-

Суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари, $м^3$/га

65-70-60	2014	612,8	739,7	933,5	904,3	3279,8
	2015	646,3	728,4	923,5	902,3	3200,5
	2016	650,3	745,3	920,4	915,1	3231,1
60-65-60	2014	814,2	930,9	1296,1	-	3091,2
	2015	796,3	980,4	1236,5	-	3013,2
	2016	825,7	1098,5	1204,9	-	3022,1

Суғориш меъёрлари С.Н.Рыжов формуласи асосида ҳисобланган. Кузги буғдой навларининг амал даврида суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% қилиб белгиланган вариантларда 3 йил давомида 4 мартадан, 60-65-60 фоизда эса 3 мартадан суғорилган. Тажрибаларда кейинги 2015-2016 йиллари ҳам вариантлар бўйича юқоридагиларга яқин кўрсаткичлар олинган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдой навларининг экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги ва сифати»** деб номланган тўртинчи бобида тажрибада қўлланилган экиш муддатлари, ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибининг кузги буғдой навларини ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Кузги буғдой навлари уруғларининг унувчанлик даражаси"** қисмида буғдойни экиш муддатларига уруғнинг униб чиқишининг боғлиқлиги келтирилган. Тажрибада алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли (1:1; 1:2; 2:1) тизимлари жорий этилиши кўрсатилган. Тажрибаларнинг биринчи йилида (2014) буғдой навлари тажриба тизимига мувофиқ 2, 12 ва 26 октябрь кунлари экилган ва орадан 10 кун ўтгач, 12, 22, октябрь ва 6 ноябрь кунлари уруғларнинг униб чиқиш даражаси аниқланган ҳамда ҳар 3 кунда давом этдирилиб, 22 октябрь ва 2, 16 ноябрь кунлари тугатилган. 2014 йил 1-экиш муддатида "Гром" навининг ниҳоллари 96,9%, "Кума" 97,0, "Аср" 96,0, "Андижон-2" 96,0 ва "Звезда" навининг ниҳоллари 95,2% униб чиққани аниқланган. 2 ва 3-экиш муддатларда "Гром" навини ниҳоллари 95,5; 90,1%, "Кума" 96,1; 93,2, "Аср" 95,0; 90,0, "Андижон-2" 95,0; 90,0 ва "Звезда" навининг ниҳоллари 95,0; 87,3% униб чиққанлиги аниқланган.

Диссертациянинг **"Кузги буғдой навларининг қишлаш даражаси ва ҳақиқий кўчат қалинликлари"** деб номланган бўлимида кузги буғдой навларини экиш муддатларига боғлиқ равишда қишлаш даражаси ва ҳақиқий кўчат қалинликлари каби кўрсаткичлари таҳлил қилинган. 2015 йил шароитида қишловдан нобуд бўлганлари сони 19,4-20,5 фоизни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 0,9-1,0 фоизга, 2016 йилга нисбатан 17,9-18,4 фоизга фарқланган. 2016 йили 2014 йилга нисбатан 1,2-1,2 фоизга 2015 йилга нисбатан эса 1,5-2,1 фоизга камроқ бўлганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **"Кузги буғдой навларининг ўсиши ва ривожланиши"** деб номланган бўлимида навларнинг ўсиш ва ривожланишини экиш муддатлари, суғориш тартиблари ва ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда ўзгариши таҳлил қилинган. "Гром" нави 1-муддатида экилган 5-вариантда ўсимлик бўйи 91,0 см, умумий поялар 500 ва маҳсулдор поялар 420 донани ташкил этган. Бу кўрсаткичлар албатта назоратдан юқори, қолаверса, параллель (3) вариантга нисбатан 2,5 см, 16 ва 30 донага ортиқ. Нисбатан юқори кўрсаткичлар олинган "Кума" нави поясининг баландлиги 93,3 см ни, умумий поялар 1 м^2 да 510 ва маҳсулдор поялар эса 370 донани, "Аср" навининг бўйи 91,2 см, умумий поялар 490 ва маҳсулдор поялар 440 донани, "Андижон-2" навининг бўйи 90,1 см, 485 ва 410 донани, "Звезда" навининг бўйи 90,1 см, 480 ва 400 донани ташкил этган.

“Гром” нави 2-3-экиш муддатларида экилган ўсимлик бўйи 84,2-86,1 см, умумий поялар 490-410 ва маҳсулдор поялар 390-330 донани ташкил этган. “Кума” навини поясининг баландлиги 91,1-84,1 см ни, умумий поялар 1 $м^2$ да 490-460 ва маҳсулдор поялар эса 400-390 донани, “Аср” навининг бўйи 89,0-85,1 см, умумий поялар 480-460 ва маҳсулдор поялар 405-380 донани, “Андижон-2” навининг бўйи 88,2-85,2 см, умумий поялар 1 $м^2$ да 478-450 ва маҳсулдор поялар 400-350 донани, “Звезда” навининг бўйи 87,0-83,1 см, умумий поялар 470-420 ва маҳсулдор поялар 370-310 донани ташкил этган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой ҳосил структурасининг ўзгариши”** деб номланган бўлимида ўтказилган агротехник тадбирларнинг кузги буғдой навлари бошоқларининг шаклланишига таъсири ўрганилган.

“Гром” нави ҳосил структурасининг нисбатан яхшироқ кўрсаткичлари, 1-муддатида 5-вариантда бошоқ узунлиги 10,0 см, донлар сони 48,3 донани, донлар вазни 1,60 г ва 1000 дона дон вазни 46,1 г ни ташкил этган. “Кума” нави 1-экиш муддатида экилган вариантларнинг назорат вариантида 2014 йил шароитида бошоқ узунлиги 8,5 см, донлар сони 39,2 донани, донлар вазни 1,48 г ва 1000 дона дон вазни 36,5 г ни ташкил этган. “Аср” нави ҳосил структурасининг нисбатан яхшиланиши ҳам суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 60-65-60% бўлганда, маъдан ўғитлар меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га қўлланилганда кузатилган ва бошоқ узунлиги 9,3 см, бир бошоқдаги донлар сони 42,0 донани, дон оғирлиги 1,50 г ва 1000 дона дон вазни эса 41,0 г ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг 2-3-экиш муддатларида “Гром” навини 10-11 вариантларда бошоқ узунлиги 9,8-9,2 см, бир бошоқдаги донлар сони 46,7-45,1 донани, дон оғирлиги 1,53-1,51 г ва 1000 дона дон вазни эса 43,4-42,1 г ни, “Кума” навини бошоқ узунлиги 10,1-9,5 см, бир бошоқдаги донлар сони 47,3-46,7 донани, дон оғирлиги 1,66-1,62 г ва 1000 дона дон вазни эса 45,0-44,0 г ни, “Аср” навини бошоқ узунлиги 9,7-9,0 см, бир бошоқдаги донлар сони 45,1-44,6 донани, дон оғирлиги 1,55-1,49 г ва 1000 дона дон вазни эса 43,0-40,0 г ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой навларининг анғиз ва илдиз қолдиқлари ва улар таркибидаги умумий NPK миқдорлари”** деб номланган бўлимида кузги буғдой навларининг биомассаси миқдорлари ва уларнинг кимёвий таркиби ўрганилган. “Гром” навининг 1-экиш муддатида назорат вариантида кузги буғдойнинг қолдирган анғиз қолдиқлари 14,5 ц/га, илдиз қолдиқлари 16,3 ц/га ни, жами эса 30,8 ц/га ташкил этганлиги кузатилган. Анғиз таркибидаги умумий NPK миқдорлари мутаносиб равишда 0,720; 0,400 ва 0,921 фоизни, илдизда 0,430; 0,240 ва 0,720 фоизни ташкил этиб, жами 1,150; 0,650 ва 1,691 фоизга тенг бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. “Кума” нави 1-муддатида экилган 1-5 вариантларнинг назоратида анғиз қолдиқлари 15,1 ц/га ни, илдизники 17,2 ц/га, жами эса 32,3 ц/га ни ташкил этиб, улар таркибида жами 1,200% N, 0,730% P ва 1,790% K борлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар “Гром” навига нисбатан мутаносиб равишда 0,6; 0,9 ц/га, жами 1,5 ц/га, умумий азот миқдори 0,110%, фосфор 0,080% ва калий 0,149% юқори бўлганлиги аниқланган. Демак, “Кума” нави ўғит

қўлланилмаган ҳолда ҳам ўзининг биологик хусусиятларига кўра “Гром” навидан бироз бўлсада яхшироқ эканлиги қайд этилган. Кузги буғдойнинг “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навларидан ҳам юқоридагидек кўрсаткичлар олинган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги”** деб номланган бўлимида кузги буғдой навларининг асосий озуқа қисми бўлган дон ва сомон ҳосили, унинг экиш муддати, ўғит меъёри ва суғориш тартибига боғлиқ равишда ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Гром” нави 1-экиш муддатида экилган вариантларнинг назоратида тадқиқот йиллари дон ҳосиллари мутаносиб равишда 41,8; 41,0 ва 43,8 ц/га ни, 3 йилда ўртача эса 42,2 ц/га ни ташкил этган. Бу маълумотларга кўра, 2014 йил шароитида нисбатан ўртача, 2015 йил пастроқ ва 2016 йилда энг юқори ҳосил олинганлиги кузатилганлиги ва бу иқлим шароитга бевосита боғлиқлиги қайд этилган. Изланишларда кузги буғдой навларининг назорат вариантида олинган дон ҳосиллари ўзаро таққосланганда, “Гром” навининг дон ҳосили 1- экиш муддатида 3 йилда ўртача 42,2 ц/га ни ташкил этган бўлса, “Звезда” навидан 37,6 ц/га, “Аср” навидан 41,9 ц/га, “Кума” навидан 41,6 ц/га ва “Андижон-2” навидан 38,3 ц/га га дон ҳосили олинган.

Суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 60-65-60% белгиланиб, маъдан ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда юқоридаги дон ҳосили кўрсаткичлари мутаносиб равишда 62,9; 55,1; 64,9; 64,9 ва 57,9 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 20,7; 17,5; 23,0; 23,0 ва 19,6 ц/га га ошган. Кузги буғдойнинг “Гром” нави ҳосилдорлик жиҳатидан 2-ўринни эгаллаган ҳолда юқоридаги суғориш тартибида маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда дон ҳосили 3 йилда ўртача 66,1 ц/га ни ташкил этиб, назоратдан 23,9 ц/га, $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га қўлланилган 2 вариантга нисбатан эса 3,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган. Демак, қўшимча қўлланилган 50 кг/га азот ўғити ҳисобига ҳосилдорлик 3,2 ц/га ортганлиги қайд этилган.

Ҳосилдорлиги жиҳатидан 3-ўринни эгаллаган “Аср” навининг дон ҳосили 1-экиш муддатидаги назорат вариантида 41,9 ц/га ни ташкил этиб, “Гром” навининг бу кўрсаткичидан 0,3 ц/га га камроқ бўлган.

Дон ҳосили кўрсаткичлари бўйича 1-ўринни эгаллаган “Кума” нави назорат вариантида (1-муддатда) экилганда 3 йилда ўртача 41,6 ц/га ни ташкил этиб, бу кўрсаткич “Гром” ва “Аср” навларидан 0,6 ва 0,3 ц/га фарқланган. Лекин, ўғитлар меъёрининг таъсири сезиларли бўлиб, суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 60-65-60% ва $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда дон ҳосили 64,9 ц/га ни ташкил этиб, назоратда 23,3 ц/га фарқланган ва “Гром” навидан 2,0 ц/га га юқори бўлган. $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда дон ҳосили 66,8 ц/га га тенг бўлиб, 1,9 ц/га га ортганлиги кўрсатилган.

Тупроқ намлиги яна 5 фоизга оширилганда $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда 66,6 ц/га ни ташкил этган. Ўғитлар меъёрининг ортиши мақбул кўрсаткичга олиб келмаган ҳолда ва дон ҳосили 2,9 ц/га га фарқланган. Шундай экан, “Кума”

нави учун мақбул суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% ўғитни $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрлари мақбул ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, кузги буғдойнинг “Андижон-2” ва “Звезда” навлари ҳосилдорлик жиҳатидан 4-5 ўринларни эгаллаган ҳолда вариантлар орасидаги фарқланишлар худди “Гром”, “Кума”, “Аср” навлариники каби бўлган. “Андижон-2” навида мақбул ўғитлар меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га бўлса, “Звезда” навида $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, лекин суғориш тартиблари ҳар иккаласи учун ҳам ЧДНСга нисбатан 65-70-60% мақбул эканлиги баён қилинган.

Тадқиқотнинг 2-3-экиш муддатларида 3 йилда ўртача “Гром” навидан 63,7-61,4 ц/га, “Кума” навидан 65,3-60,5 ц/га, “Аср” навидан 64,8-61,9 ц/га, “Андижон-2” навидан 60,3-52,3 ц/га, “Звезда” навидан 57,3-53,2 ц/га га дон ҳосили олинган ва бу математик статистик таҳлилларда ўз тасдиғини топган (1-расм).



Йил	“Гром”	“Кума”	“Аср”	“Андижон-2”	“Звезда”
2014	$НСР_{05}$ =2,11 ц/га	$НСР_{05}$ =1,65 ц/га	$НСР_{05}$ =2,43 ц/га	$НСР_{05}$ =2,60 ц/га	$НСР_{05}$ =2,39 ц/га
2015	$НСР_{05}$ =2,24 ц/га	$НСР_{05}$ =2,13 ц/га	$НСР_{05}$ =3,81 ц/га	$НСР_{05}$ =1,98 ц/га	$НСР_{05}$ =2,45 ц/га
2016	$НСР_{05}$ =2,24 ц/га	$НСР_{05}$ =1,86 ц/га	$НСР_{05}$ =3,01 ц/га	$НСР_{05}$ =1,65 ц/га	$НСР_{05}$ =3,35 ц/га

1-расм. Кузги буғдой навларининг дон ҳосилдорлиги (2014-2016 йиллар, ўртача)

Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида кузги буғдойнинг “Гром” ва “Звезда” навлари учун мақбул ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Аср” ва “Андижон-2” навлари учун эса $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, суғориш тартиблари эса барча навлар учун ЧДНСга нисбатан 65-70-60% эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой навларининг дон сифати”** деб номланган бўлимида доннинг сифат кўрсаткичларини ва буғдойдан олинадиган ун сифатини белгиловчи кўрсаткичлар бўлган оқсил ва клейковина миқдорларининг навлар бўйича ўзгариши кўриб чиқилган.

“Гром” навини 1-экиш муддатларининг назорат (1) вариантида тадқиқот йилларига мутаносиб равишда дон таркибидаги оқсил миқдорлари 12,3; 11,8 ва 13,5 фоизни, 1 гектардаги миқдорлари 0,51; 0,48 ва 0,59 тоннани ташкил этганлиги тадқиқ қилинган. Клейковина миқдорлари эса мутаносиб равишда 24,3; 22,1 ва 25,1 % ни ҳамда 1,01; 0,90; 1,09 тонна/га ташкил этганлиги аниқланган. Шунингдек, тадқиқотларда дон таркибидаги оқсил ҳамда клейковина ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланиб, r=0,898 га тенг бўлган ҳолда иккала кўрсаткич орасида юқори даражада боғлиқлик борлиги кўрсатиб ўтилган (2-расм).



2-расм. “Гром” навининг дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорлари орасидаги корреляцион боғлиқлик

Бу рақамлардан маълумки, тадқиқот йиллари ичида 2015 йилда нисбатан пастроқ, 2014 йилда ўртача ва 2016 йилда юқори кўрсаткичлар олинган. Кузги буғдойнинг “Кума” нави дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорлари барча вариантларда “Гром” навига нисбатан бироз бўлсада юқори бўлганлиги кузатилган. 2014 йилда 1-экиш муддатида вариантлар назоратида оқсил миқдори 12,5 %; 0,52 т/га, клейковина эса 23,0 %; 0,93 т/га ни ташкил этиб, “Гром” навига нисбатан мос равишда 0,7 %; 0,3 т/га ва 0,9 %; 0,03 т/га юқори бўлганлиги кўрсатилган.

Тажрибаларда барча кўрсаткичлари билан 3-ўринни эгаллаган “Аср” навининг дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорлари 1-экиш муддатидаги назорат вариантида мутаносиб равишда 12,1 %; 0,49 т/га ва 22,1 %; 0,89 т/га ни ташкил этиб, бу кўрсаткич “Гром” навидан 0,2 %; 0,2 т/га ва 2,2 %; 0,12 т/га га, “Кума” навига нисбатан эса 0,4 %; 0,3 т/га ва 0,9 %; 0,4 т/га камроқ бўлганлиги аниқланган. “Гром” ва “Звезда” навларида юқори ва сифатли дон маҳсулотларини олиш учун уларни маъдан ўғитларнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Андижон-2” ва “Аср” навларини $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёри билан озиқлантириб суғориш олдидан тупроқнинг намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-60% тартибда суғориш кераклиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Дон ва сомон таркибидаги озуқа бирликлари ҳамда протеин миқдорлари”** деб номланган бўлимида кузги буғдой навларининг экиш муддатлари, суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда дон ва сомон таркибидаги озуқа бирликлари ҳамда ҳазм бўладиган протеин миқдорлари аниқланган.

“Гром” нави 1-муддатида экилгандаги 1-5 вариантларнинг назоратида (ўғит қўлланилмаган) тадқиқот йилларига мутаносиб равишда дон таркибидаги озуқа бирликлари 48,0; 46,1; 49,6 ц/га ни ташкил этган ҳолда, протеин миқдорлари 5,0; 4,7; 5,6 ц/га га тенг бўлган. Бу маълумотларга кўра, 2016 йил нисбатан юқори, 2014 йил ўртача ва 2015 йил камроқ кўрсаткичлар олинганлиги, бу эса об-ҳавонинг йиллар бўйича ҳар хил келганлиги сабабли эканлиги изоҳлаб ўтилган.

Кузги буғдойнинг “Кума” навининг 1-экиш муддатида назорат вариантида 2014-йилда дон таркибидаги озуқа бирликлари 48,5 ц/га, протеин эса 5,1 ц/га ни, сомон таркибида 4,2-0,35 ц/га ни ташкил этиб, “Гром” навини параллель вариантининг кўрсаткичларига нисбатан 0,5-0,1 ц/га ва 0,1-0,01 ц/га юқори бўлган.

Кузги буғдойнинг “Аср” нави 1-экиш муддатининг назоратида тадқиқот йилларига мутаносиб равишда дон таркибидаги озуқа бирликлари 47,1; 42,0; 48,2 ц/га ни, ҳазм бўладиган протеин миқдорлари эса 4,9; 4,0; 5,5 ц/га ни ташкил этиб, сомон таркибида тегишлича 4,0; 3,0; 4,3 ц/га ва 0,33; 0,29; 0,39 ц/га га тенг бўлган. 2-экиш муддатида бу кўрсаткичлар 0,2-0,3 ва 6,1-0,1 ц/га, 3-экиш муддатидан 0,1-0,2 ва 0,1-0,0 ц/га фарқланган. Изланишларда “Гром”, “Кума” ва “Аср” навларининг дони ва сомони таркибидаги озуқа бирликлари ва ҳазм бўладиган протеин миқдорлари деярли бир – бирига яқин бўлганлиги баён қилинган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой ҳосили билан NPK олиб чиқиши”** деб номланган бўлимида навларда ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича дон таркибидаги умумий NPK миқдорлари ҳам аниқланган. Бу маълумотлар қўлланилган агротехник тадбирларга мажмуий таъсирини кўрсатган. “Гром” навининг 1-экиш муддатида вариантларнинг назоратида (1-вар) тадқиқот йилларига мутаносиб равишда дон ҳосили 42,2 ц/га ва унинг таркибидаги умумий азот миқдори 28,4 кг/га ни, фосфор 22,4 кг/га ни, калий эса 31,0 кг/га ни ташкил этганлиги таҳлилларда аниқланган. Йиллар орасида эса энг юқори кўрсаткичлар 2016 йилда, сўнгра 2014 ва 2015 йилларда олинган. Барча кўрсаткичлар жиҳатидан 3-ўринни эгаллаган “Аср” навининг кўрсаткичлари албатта “Кума” ва “Гром” навларидан пастроқ, лекин “Андижон-2” ва “Звезда” навлариникидан бироз бўлсада юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой навларининг уруғлик сифати”** деб номланган бўлимида лаборатория шароитида уруғнинг физик кўрсаткичлари аниқланган (3-жадвал). Ғалла экинлари уруғининг далада униб чиқишини оширишда ва юқори ҳосил олишда 1000 дона уруғнинг вазни қанча юқори бўлса, шунча яхши натижага эришиш мумкинлиги адабиётлар шарҳида келтирилган.

3-жадвал

1-муддатларда (01-10.10) экилган кузги буғдой навларининг суғориш тартиблари ва ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда донининг лаборатория таҳлиллари ва сифат кўрсаткичлари (2014 й.)

Вариант тартиби	Тозалиги, %	Униб чиқиш қуввати, %	Унувчанлиги, %	1000 дона дон вазни, г
“Гром” нави				
1	95,8	90,1	94	34,5
2	96,5	91,2	94	38,5
3	97,0	92,2	95	39,1
4	98,1	91,3	95	41,2
5	99,8	93,0	96	43,1
“Кума” нави				
1	96,1	90,0	94	34,8
2	97,8	91,0	95	39,1
3	98,1	92,1	94	40,1
4	99,7	93,2	97	43,2
5	99,8	93,0	97	43,2
“Аср” нави				
1	95,4	89,0	93	34,8
2	95,8	90,2	94	38,1
3	96,8	90,1	94	38,9
4	97,1	91,1	94	39,1
5	98,1	91,1	95	40,0
“Андижон-2” нави				
1	94,5	88,2	92	34,0
2	95,0	89,0	93	37,2
3	95,6	90,2	93	38,2
4	95,7	90,0	93	39,1
5	96,7	90,1	94	40,2
“Звезда” нави				
1	94,0	87,5	91	34,0
2	95,0	88,0	92	36,1
3	95,7	89,6	92	37,1
4	95,6	89,7	93	38,1
5	96,0	90,5	93	38,9

Тажрибада етиштирилган буғдой навларининг уруғлари “Семена сельскохозяйственных культур. Методы определения качества” (Москва, 1991. Часть №2.) қўлланмасига асосан лабораторияда таҳлил қилинган.

Тажрибаларда ҳар йили кузги буғдой навларининг дон ҳосиллари йиғиб олингач, кузда уларнинг лаборатория таҳлиллари ўтказилган.

2014 йилда кузги буғдойнинг “Гром” нави экилган назорат вариантидаги уруғлик намуналарининг таҳлилига кўра тозалиги 95,8 % ни, униб чиқиш қуввати 90,1 %, унувчанлиги 94 % ни, 1000 дона дон вазни 34,5 г ни ташкил этган. “Кума” нави дон сифатининг нисбатан юқори кўрсаткичлари суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60 % бўлиб, ўғитларни иккала меъёрида ҳам кўрсаткичлар “Гром” навидан бироз бўлсада юқори бўлган. “Аср” нави 3-ўринни эгаллагани, бу навнинг тозалиги 98,1 % ни, унувчанлиги 95 % ни ташкил этган. “Андижон-2” ва “Звезда” навларида ҳам мақбул кўрсаткичлар олинганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг “**Экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг кузги буғдой навларидаги иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида кузги буғдойнинг “Кума”, “Гром”, “Аср”, “Андижон-2” ва “Звезда” навларини экиш муддатлари, ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларига кўра, самарадорлиги аниқланган. Нисбатан юқори иқтисодий самарадорлик ва рентабеллик даражалари “Кума”, “Аср” ва “Гром” навлари 1-10 октябрда экилганда олинган ва мутаносиб равишда 357800; 335600; 345000 сўм/га. ни ва 34,4; 32,3; 31,6 фоизни ташкил этганлиги аниқланган. “Андижон-2” ва “Звезда” навлари 1-10 октябрда экилганда 235300; 240800 сўм/га. ни ва 22,7; 22,0 фоизни ташкил этганлиги аниқланган. Кузги буғдойнинг навларини рентабеллик даражалари 2-экиш муддатидан (10-20 октябрь) 3-экиш муддати (20-30 октябрь) томон барча вариантларда пасая бориб, назорат вариантларида 2,0 – 12,7 фоизгача, бошка вариантларда 9,3-30,0 фоизгача бўлганлиги кузатилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Кузги буғдой навлари ниҳолларининг униб чиқиш даражаси аввало навнинг биологик хусусиятларига, қолаверса, экиш муддатларига боғлиқлиги кузатилиб, барча навларнинг уруғлари униб чиқиш кўрсаткичлари 1-экиш муддатидан 3-экиш муддати томон пасая борганлиги аниқланди. 2013-2016 йилларда 1-2-3-экиш муддатларда “Гром” навини ниҳоллари ўртача 96,5; 95,5; 92,9%, “Кума” навида 97,7; 96,3; 93,1%, “Аср” навида 95,3; 93,9; 91,4%, “Андижон-2” навида 94,8; 93,5; 90,5% ва “Звезда” навининг ниҳоллари 94,6; 92,9; 90,0% униб чиққани аниқланди.

2. Тадқиқот йилларида кузги буғдой навларининг яхшироқ униб, ривожланиши 1-экиш муддатида кузатилди, барчаси учун суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлиб, “Гром” ва “Звезда” навларида $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Аср” ва “Андижон-2” навларида эса $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда нисбатан юқори кўрсаткичлар олинди. Нисбатан юқори кўрсаткичлар олинган “Кума” навининг поясининг баландлиги ўртача 92,4 см ни, умумий поялар 1 $м^2$ да 505 ва маҳсулдор поялар эса 424 донани ташкил этди.

3. Кузги буғдой навларининг ҳосил сруктураси 1-экиш муддатидан 3-экиш муддати томон пасая бориб, суғориш тартибларини ЧДНСга нисбатан 60-65-60% дан 65-70-60% га ўзгариши билан яхшиланиши кузатилди. “Кума” навининг бошоғини узунлиги ўртача 10,0 см ни, бир бошоқдаги донлар сони 48,2 донани, донлар вазни 1,70 г ни, 1000 дона дон вазни эса 45,8 г ни ташкил этиб, ўғитлар меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, “Гром” навида эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда, бошоқ хусусиятлари мутаносиб равишда ўртача 9,9 см, 47,1 дона, 1,57 г, 44,4 г ни ташкил этди.

4. Кузги буғдой навларининг дон ва сомон ҳосилининг салмоғи аввало уларнинг биологик хусусиятларига экиш муддатларига, суғориш тартиблари ва ўғитлар меъёрига боғлиқлиги кузатилди. “Кума”, “Аср” ва “Андижон-2” навларининг нисбатан мақбул дон ҳосиллари суғориш тартиблари ЧДНСга

нисбатан 65-70-60% бўлиб, ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га, “Гром” ва “Звезда” навлари учун суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% да, ўғитлар эса $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда олинди. 2014-2016 йилларда 1-2-3-экиш муддатларида навлар суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлиб, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда ҳосилдорлик жиҳатдан қуйидаги ўринларни эгаллади: “Кума” 69,5; 67,4; 64,9 ц/га, “Гром” 68,5; 66,3; 65,0 ц/га, “Аср” 67,4; 66,0; 63,9 ц/га, “Андижон-2” 63,8; 62,5; 55,2 ц/га ва “Звезда” 63,5; 60,8; 55,4 ц/га. Лекин рентабеллик даражалари “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” навларида ўғитлар меъёри $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га бўлганда юқори бўлганлиги аниқланди.

5. Кузги буғдой навларининг оқсил ва клейковина миқдорининг юқори кўрсаткичлари 1-экиш муддатида суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлиб, маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда, “Гром” навида ўртача оқсил миқдорлари 16,7%; 1,14 т/га, клейковина эса 27,5%; 1,86 т/га, “Кума” навида ўртача оқсил миқдорлари 16,9%; 1,15 т/га, клейковина эса 27,9%; 1,87 т/га, “Аср” навида ўртача оқсил миқдорлари 14,6%; 0,92 т/га, клейковина эса 27,6%; 1,78 т/га ташкил этди. “Андижон-2” ва “Звезда” навларида нисбатан паст кўрсаткичлар олинди. Кузги буғдой навларининг 2-3-экиш муддатларида ўртача оқсил миқдорини 1-экиш муддатидан мутаносиб равишда 0,4-2,3%; 0,06-0,21 т/га ва клейковина миқдорини 0,21-2,7%; 0,11-0,25 т/га паст бўлганлиги тадқиқ этилди.

6. Кузги буғдой навларининг дон таркибидаги озуқа бирликлари назорат вариантларига нисбатан сезиларли даражада 20,0-22 ц/га фарқланган ҳолда сомон таркибида 0,7-1,0 ц/га га фарқланиш кам бўлганлиги аниқланди.

7. Тажрибада ўрганилган кузги буғдой навларининг дони лаборатория таҳлилларидан ўтказилиб, барча хусусиятлар маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларига боғлиқлиги кузатилди ва нисбатан мақбул маълумотлар 1-экиш муддатида суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлганда, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олиниб, “Гром” навининг тозалиги 99,8%, униб чиқиш энергияси 93,0%, унувчанлиги 96%, 1000 дона дон вазни 43,2 г га тенг бўлганлиги аниқланди ва бошқа навлардан ҳам шунга яқин кўрсаткичлар олинди.

8. Кузги буғдойнинг “Гром” ва “Звезда” навларида нисбатан юқори шартли соф фойда (345000 ва 240800 сўм/га) ва рентабеллик даражалари (31,6 ва 22,0%) суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 65-70-60% бўлиб, ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” навларида суғоришни шу тартибда ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда олинди ва мутаносиб равишда шартли соф фойда 357800, 335600 ва 235300 сўм/га. ни, рентабеллик даражалари эса 34,4; 32,3 ва 22,7 фоизни ташкил этди.

9. Хоразм вилоятининг ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ва сомон ҳосили олиш учун уруғларни 1-10 октябрда экиш, ЧДНСга нисбатан 65-70-60% тартибда суғориш, “Гром” ва “Звезда” навларини $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га, “Кума”, “Аср”, “Андижон-2” навларини $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрида ўғитлаш тавсия этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ГАНДЖАЕВА ЛОЛА АТАНАЗАРОВНА

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ СРОКОВ ПОСЕВА, НОРМ УДОБРЕНИЙ И РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ НА УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

06.01.08 – Растениеводство

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Qx137.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ургенчском Государственным университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Сатипов Гаипназар Матвапаевич** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Халима Назаровна Атабаева** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Содиқжон Обидович Абдурахмонов кандидат сельскохозяйственных наук, старший научний сотрудник
Ведущая организация:	**Научно-исследовательский институт зерна и бобовых культур**

Защита диссертации состоится «___»_____2018 года в____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01.при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ___). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «____» _____ 2018 года.)

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, согласно международной статистике производства зерна, 30 стран являются ведущими производителями пшеницы. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (ФАО), в 2016 году во всем мире было собрано 749,5 млн. тонн пшеницы. В 2016 году объем производства пшеницы в тоннах составил 142,7 млн. в Европейском союзе, 131,7 млн. в Китае, 93,5 млн. в Индии, 73,3 млн. в России, 62,9 млн. в Америке, 15 млн. в Казахстане и 6,9 млн. в Узбекистане[1].

В странах мира, выращивающих озимую пшеницу особое внимание уделяется исследованиям посвященным разработке оптимальных сроков посева и норм подкормки, а также режиму орошения. При глобальных изменениях климата требуется создание новых сортов и линий пшеницы устойчивых к стресс факторам, а также усовершенствование агромероприятий возделывания. Достижение высоких урожаев зерна пшеницы и повышение качества, т.е. стекловидности, макароноподобности зерна возможно с использованием ресурсосберегающих, высокоэффективных технологий.

